
Риштонлик Профессор туман ёшлари билан давра суҳбатида!

Риштон тумани ҳокимининг Инвестиция ва ташқи савдо бўйича ўринбосари А. Жўрабоев ҳамда туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари З. Умаровлар ҳамкорлигида туман ҳокимлиги мажлислар залида ёшлар билан дарва суҳбати ўтказилди.

Ушбу тадбирда Америка Қўшма Штатлари Алабама университетети профессори Риштонлик ёш профессор Ҳасанжон Исомиддинов, туманимиздаги фаол иқтидорли ўқишга чанқоқ ёшлар қатнашишди.

Тадбир бошида ёш бўлишига қарамай, дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлардан бирида фаолият олиб бораётган Ҳ. Исомиддинов ўзи ҳақида қисқача тўхталиб, эришган натижалари ва мақсадлари ҳақида гапириб ўтди. Суҳбат давомида ёш профессор илм ўрганиш қанчалар зарур эканлиги келажак ёшлар қўлида эканлигини ҳаётини ва илмий фактлар билан келтириб ўтди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар ва барча саволларга аниқ ва керакли жавоблар олдилар.

Энг асосийси тадбирнинг асосий қисми инглиз тилида бўлиб ўтди. Бу туманимиз ёшларининг интеллектуал потенциали юқори эканлигини кўрсатиб берди.

Ҳасанжон Исомиддинов ҳозирги кунда АҚШнинг Алабама университететида профессор ўқитувчи бўлиб дарс бериб келмоқда. Албатта Ҳасанжон Исомиддиновнинг эришган ютуқлари Риштон туманининг фахр ва ифтихоридир.

2021-07-15 15:43:27